

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 13/03-20-9С

« 13 » 03 2019 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Мақтабгача таълим вазири
А.В.Шинга

Депутат сўрови

Хурматли Агрепина Васильевна,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари 2019 йилнинг 26 февраль – 2 март кунлари Навоий вилоятининг Конимех туманида, Зарафшон шаҳрида бўлиб, халқ билан бевосита мулоқотлар ўтказдилар. Депутатлар томонидан аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Ушбу ўрганишлар давомида бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги маълум бўлди. Хусусан,

1. Конимех туманидаги Мақтабгача таълим бўлимига қарашли 1-сонли “Ақмарал” мақтабгача таълим муассасаси биноси 1989 йилда қурилганлигини ва 30 йилдан буён таъмирланмаганлигини, бино ҳозирги кунда таъмирталаб аҳволга келиб қолганлигини инобатга олиб, бинони таъмирлаш, моддий техника базасини яхшилаш, зарур мебел ва жиҳозларга эҳтиёжи борлиги аниқланди.

2. Зарафшон шаҳридаги Янги Зарафшон маҳалла фуқаролар йиғини шаҳар худудидан 2-3 км узоқликда жойлашганлигини, у ердаги мақтабгача таълим муассасалари (МТМ) ёшидаги болалар сони 450 нафарни ташкил этиши, давлат мақтабгача таълим муассасаси йўқлиги масаласи худуд аҳолисининг норозилигига олиб келмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Сиздан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунининг 12-моддаси ҳамда “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ, ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар ҳақида 10 кун муддат ичида ёзма маълумот беришингизни сўраймиз..

А.Тумишова